

## **Инспекция – коррупцияга қарши курашиш соҳасида**

Маълумки, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидағи ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди.

Жумладан, Инспекция тизимида Коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш мухитини шакллантириш мақсадида, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни ва ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари - Фойдаланиш бўйича халқаро талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларига асосан “Ўзагроинспекция” тизимида ва ходимлари фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик ва бу борада самарали тизимни шакллантириш мақсадида 15 та чора-тадбирларни ўз ичига олган Инспекциянинг 2021 йилда коррупцияга қарши-курашиш бўйича амалга ошириладиган ишларининг “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Инспекция бошлиғининг 2021 йил 12 февралдаги ““Ўзагроинспекция” тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаш тўғрисида”ги С-4-сон буйруғи билан:

Инспекциянинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати;

Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига киритиш учун коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни бўйича асосий шартлар;

Инспекция ва унинг худудий бўлинмалари томонидан контрагентлар билан тузиладиган шартномаларга киритиш учун коррупцияга қарши қоидаларнинг мазмуни бўйича асосий шартлар;

Инспекциянинг коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламенти;

Инспекцияда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти;

Инспекцияси тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом;

Инспекция тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;

Инспекция тизими ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишини ташкил этиш юзасидан услубий кўрсатмалар;

Инспекция тизимида коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;

Инспекция бошлигининг 2021 йил 21 октябрдаги С-12-сон буйруги билан:

Инспекция тизимида контрагентларни текширишга оид йўриқнома;

Инспекция тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;

Инспекция тизимида ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

Инспекция ва тизим идораларига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришга қодир бўлган юқори малақали ходимлар билан таъминлаш, уларни жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш ва кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда улар билан ишлаш, бошқариш ва назорат қилиш бўйича HR-менежмент тизимини тартибга солувчи идоравий хужжат ишлаб чиқилди. Инспекцияда кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби

тасдиқланди, онлайн эфирга узатишга мўлжалланган алоҳида хона ажратилиб, жиҳозланди ва бу соҳада масъул ходимларнинг малакаси оширилди.

Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида хуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида эса Республика маҳсус комиссиясининг қарорига асосан коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олиш ва унинг эҳтимолий оқибатларини камайтириш мақсадида ўрнатилган чекловларга мувофиқ ҳар турли йигилишларни ўтказиш вақтинча тўхтатилганлиги сабабли:

“Коррупцияга қарши курашиш борасидаги асосий тушунчалар, унга қарши курашиш тарихи ва асосий ёндашувлар”;

“Коррупцияга қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари”;

“Transparency International” Халқаро нодавлат Ташкилотининг “Коррупцияни идрок этиш индекси”да Ўзбекистон ўрнини яхшилаш масалалари”;

“Коррупциявий хавф-хатарлар, коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини ошириш масалалари”;

“Коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс назорат тизимининг ўрни ва аҳамияти”;

“Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари” мавзулари бўйича тайёрланган тақдимот материаллари ходимлар томонидан мустақил равища ўқиб ўрганилиши ташкиллаштирилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи вазифаси ва ички назорат Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари ҳамда “Агросаноат мажмуида хизматлар қўрсатиш маркази” ДУКнинг Кадрлар соҳасига масъул ходими зиммасига юклатилиб, куйидагилар:

ходимлар фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймаслик бўйича барча зарур чоратадбирларни белгилаш;

ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига, ходим меҳнат шартномаси бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда, коррупциявий ҳатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида пора таклиф қиласлик, ваъда бермаслик, пул туламаслик, товламачилик қиласлик, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик ва пора олмаслик, бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик, мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни олмаслик, шунингдек ўз ваколатларини суиистеъмол қиласлик мажбуриятини олиш бўйича ўзгартириш киритиш;

контрагентлар билан тузиладиган шартномаларга, тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қиласлиди, ваъда бермайди, товламачилик қиласлиди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Инспекция ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмаслиги, тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат бериши каби шартларни киритиш;

коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун ўзининг алоқа каналлари ишлишини, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва келиб тушган хабарларга ўз вақтида муносабат билдириш чораларини кўриш;

фаолиятда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик;

коррупцияга оид хукуқбузарликларни олдини олиш ва уларни содир этишга олиб келиши мумкин бўлган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг хукуқий билимларини ошириб бориш ва уларни қонун ҳужжатларига ҳамда Инспекция ички ҳужжатларига қатъий риоя этишини таъминлаш;

тизимда коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини доимий мониторинг ва назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриш юзасидан топшириқлар берилди.

Инспекция тизимида коррупция ҳолати ва омиллари, шунингдек, ишни тўғри ташкил этиш, раҳбарларнинг ходимлар билан муносабати юзасидан ходимларнинг фикрини ўрганиш учун аноним сўровнома ўtkазилди ва бир қатор устувор ҳамда истиқболли вазифаларни амалда ҳал қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан:

- ижро учун юборилаётган ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамиятини мансабдор шахслар томонидан етарли даражада ўрганилиши ҳамда ходимларга тушунтирилиши;

- ижро учун юборилган ҳужжатлар ижросини самарали ташкил этиш, уларда белгиланган мақсадларга эришишни сўzsиз таъминлаш бўйича барча даражадаги раҳбарлар ва ходимларнинг шахсий жавобгарлигини қучайтириш;

- текширишлар ўtkазиш вақтида ва хизмат сафарлари давомида ходимлар томонидан коррупцияга оид хукуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш;

бунда:

текшириш обьектига раҳбарини хабардор қилмасдан бормаслик;

текшириш ўtkазилаётган ташкилот ходимларини қонун ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилиш ва маълум бўлган фактларни хукуқни муҳофаза қилиш органларига топшириш билан қўрқитмаслик;

ўзининг текшириш соҳаси бўйича гурух раҳбарини назорат тадбирининг бориши ҳақида хабардор қилиб бориш;

текшириш ўтказилаётган ташкилот ходимларига дўқ-пўписа қилмаслик;

текшириш предмети бўлмаган масалаларни кўрмаслик, хужжатларни талаб қилмаслик;

текшириш вақтини ўрганилаётган ташкилот иш вақти билан мувофиқлаштириш;

текшириш давомида аниқланган ҳар бир қонунбузилиши ҳолатига қонун ҳужжатлари нуқтаи назаридан ва ҳуқуқий баҳо бериш;

текшириш давомида хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлмаган иш билан шуғулланмаслик, мансабидан шахсий ёки бошқа шахслар ва ташкилотларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ғаразли мақсадларда фойдаланмаслик;

текшириш ўтказилаётган ташкилот ходимлари томонидан ҳар қандай кўринишдаги моддий бойликлар, мулкий моҳиятга молик бўлган хизматлар таклиф қилинганда, ўрганиш гуруҳи раҳбарига зудлик билан хабар бериш;

текшириш яқунлари бўйича тузилган далолатномаларни текшириш яқунланган куннинг ўзида имзолаш чораларини кўриш;

текшириш ўтказилаётган ташкилот ходимлари билан холис, принципиал ва қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб муомала қилиш;

товламачилик ва шу каби бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик;

- Инспекция ходимлари хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда бевосита текшириш ўтказилаётган ташкилотлар ходимлари билан, шунингдек, хизмат текшируви ўтказилаётган Инспекция ходими билан бирга умумий овқатланиш (ресторан, бар, кафе, чойхона ва бошқалар) ҳамда кўнгилочар жойларга бирга боришини тақиқлаш;

- ходимлар билан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича профилактик сухбатлар ўтказиш;

- ходимлар томонидан Инспекция ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига, коррупцияга қарши курашиш сиёсатига, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомга, Ички меҳнат тартиби

қоидаларига ва бошқа коррупцияга қарши курашиш бўйича тасдиқланган қоидаларга риоя қилишлари бўйича чоралар кўриш.

Хулоса қилиб айтганда – қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар, чора-тадбирлар, топшириқ ва кўрсатмалар Инспекциянинг юқори ахлоқий меъёрларга содиклигини, шунингдек, тизим ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймаслик мақсад қилинган. Шу билан бирга, коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, барҳам бериш, оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлашга қаратилган.

Бу борадаги комплекс ишлар ҳали давом этмоқда. Инспекциянинг коррупцияга қарши сиёсатида назарда тутилган чора-тадбирларни тўлиқ амалга ошириш орқали тизимни коррупциясиз соҳага айлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган.